

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 123 (912), 2023 йил 22 июнь, пайшанба



## ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

### НОДИР МЕТАЛЛАР ВОДИЙСИ



### ҚАНДАЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ДУНЁДА МУҚОБИЛИ БЎЛМАГАН ТАЖРИБА МАЙДОНИГА АЙЛАНМОҚДА?

Молибден, вольфрам, индий, рений, палладий, платина, галлий, таллий... Бу ер қатламда жуда кам учрайдиган элементларнинг шартли номи. Улар 70 дан ортиқ металдан иборат. Деярли барчаси тарихи мураккаб маъданларда учрайди, юқори қиймати билан ажралиб туради. Масалан, калифорний-252 металнинг атиги бир грамма миллион долларга баҳоланган. Унинг бу даражада қимматлиги ноёблиги билан изоҳланади. Бутун дунёда атиги 5 грамм атофидида калифорний-252 ни топиш мумкин экан. Қолаверса, бу металл сунъий равишда бир мартагина 1958 йили яратилган. У радиоактивлиги билан ажралиб туради. Парчаланиш даврида жуда ката микдорда энергия ажралиб чиқади.

185 ва 191 бундан мустасно. Энг оғир 192 изотоп табиий осмий умумий ҳажмининг 41 фоизини, 187 изотоп эса атиги 1,6 фоизини ташкил этади. Нархлари ҳам шунга яраша. Ҳар бир грамма 200 минг долларгача етиб боради.

Бу руйхатни яна давом эттириш мумкин. Ноёб металлларнинг аксарияти тоғ жинсларида мураккаб бирикма сифатида учрайди. Шу боис, уларни ажратиб олиш учун замонавий технологиялар, кучли билм ҳамда юксак малака талаб этилади. Бугунги кунда "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖнинг 7 та нодир ва камёб маҳсулот бўйича ишлаб чиқариш технологиясига оид муаллифлик ҳуқуқига эгаллиги унинг илмий-муҳандислик салоҳиятидан далолат беради.

Бугунги кунда техноген чiqиндиларни қайта ишлаш муаммоси бутун дунёни ташвишга солмоқда. Мамлакатимиз ҳам бундан мус-

тасно эмас. Жумладан, Олмалик кон-металлургия комбинатида ҳам мутахассислар узоқ вақтдан бери чiqиндилардан фойдаланиш йўлини излаб келган. Фақат кейинги йилларда бу борада муқобили бўлмаган тажрибага эга бўлинди.

2020 йил июнь ойида комбинатда илк бор софлиги 99,4 фоиздан кам бўлмаган палладий кукуни олинди. Бунинг учун 17 та технологик жараёни бажаришга тўғри келди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида паст концентрацияли электротлит эритмаларидан юқори тозаликка эга бўлган соф палладий кукунини ажратиб олишнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Самарадорлик ҳам чакки эмас, 80 фоизни ташкил этди.

Давоми 4-бетда

## 2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Маҳмудованинг сайловолди ташвиқоти бўйича мақола чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилиняпти.

3-бетга қаранг.

## ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИККИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

### Эроннинг етакчи оммавий ахборот воситалари олий даражадаги Ўзбекистон — Эрон саммити ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 июнь куни Эронга расмий ташрифи ушбу мамлакатнинг етакчи ошма ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳамда таҳлил ҳамжамияти томонидан кенг ёритилаётир.



Ташриф кунлари Эроннинг етакчи ОАВда Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши ва Эрон — Ўзбекистон муносабатларига бағишланган туркум ахборот-таҳлилий мақолалар эълон қилинди.

Жумладан, "Tehran Times" газетасида чоп этилган мақолаларда Ўзбекистон бугун тубдан ўзгаргани алоҳида таъкидланган. Давлат раҳбари томонидан жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизация қилишга қаратилган, узоқ муддатли истиқболда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган кенг қўламли ҳамда ўзаро боғлиқ ислохотлар мажмуи ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар 2021 йилгача мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тарақиёт стратегиясида ўз ифодасини топган. Ислохотлар "Ҳаракатлар стратегиясидан — Тарақиёт стратегияси сари" таъминлига асосланади. Шунингдек, мақолаларда мамлакатнинг 2023 йил 1 майдан кучга кирган янгилашган Конституциясининг асосий қоидалари чуқур таҳлил қилинган.

Давоми 2-бетда

## АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

### Жозибадор

### 100 ЖИЛДЛИКНИНГ ЖИЛОЛАРИ

Шу кунларда пойтахтимизда ТУРКСОЙ — Халқаро туркий маданият ташкилоти ташкил топганининг 30 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди. ТУРКСОЙ томонидан ўтказиб келинаётган йирик анжуманлар маданият ва санъат соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш билан бир қаторда, халқларимиз ўртасидаги қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



Маълумки, шу йил баҳорда ана шу ҳамкорликнинг амалии самараси сифатида юртимизда "Туркий адабиёт дурдоналари" деб номланган 100 жилдлик китоблар туркуми нашр этилди. Ушбу туркумга Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркменистон ва Венгрия давлатларидан жами 450 дан зиёд мумтоз ва замонавий шоир, адибу мутафаккирларнинг асарлари киритилгани қувонарлидир.

Жаҳоннинг энг пешқадам аллома ва адиблари мумтоз ҳамда замонавий туркий тили адабиётларнинг 1010 муаллифи яратган бадиий сўз жавоҳирларини жамлаган ушбу 100 жилдликка юқори баҳо бермоқда. Мазкур ажойиб антологияни нашрга хозирлаган масъул ижодкорлардан бири сифатида унинг мағзи, мундарижасига мухтасар тўхталишга жазм этдим.

Тил — эл қалбининг олтин қалити. Туркий халқлар ана шу қалит билан энг қадимги даврлардан бошлаб бошқа буюк этнослар қатори бадиий сўз санъатининг боқий чашмаларини кашф этган. Бу мазкур ажойиб антология мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Унда "Умумтуркий адабиёт намуналари" деб номланган руқн остида бирлаштирилган дастлабки 5 жилднинг 2 жилди ҳаммамиз учун бирдек қадрли бўлган улуг тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит турк" асарини (милодий 1074, ҳижрий 466 йили ёзиб тутилган) ўз ичига олган. Аллома бу дурдона асарида "Илмли, ақлли, одобли, хулқли, тарбияли, фазилатли бўлиш баробарида ана шу хусусиятларни одамлар орасида тарқатиш ҳам муҳимдир", деб ёзади.

Фалсафа фанлари доктори Ҳ.Алиқулов "Девону луготит турк" Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикр тараққиёти учун метин пойдевор бўлганини таъкидлаганида тўла ҳақдир. Маҳмуд Кошғарий илму ҳикматга бой бир улуг инсонни таърифлар экан, "дас-турхони қаттиқ қиш кунларида ҳам очик эди", деб ёзгани жуда эътиборли. Фаннинг йиғирмага яқин турига оид маълумотларни жамлаган бу асарга муаллиф томонидан тузилган дунё харитаси ҳам илова қилинган. Уша давр туркий халқлар тилининг лингвистик, грамматик, фонетик, морфологик, фразеологик хусусиятлари кенг таҳлил этилади. Асарда уруғ ва қабиаларга доир этнографик хулосалар, мақоллар, маталлар, ҳатто астрономияга оид кузатишлар бериллади.

Давоми 6-бетда

## 30 июнь — Ёшлар куни

### ШИЖОАТЛИ ЁШ ТАДБИРКОРЛАР

### ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИ ЮКСАК ПОҒОНАГА ОЛИБ ЧИҚАДИ



Юртимизда 30 июнь — "Ёшлар куни" муносабати билан "Ёшлар ойлиги" эълон қилиниб, турли тадбир ҳамда лойиҳалар, хусусан, интеллектуал танловлар, учрашувлар, спорт мусобақалари, гала концертлар ўтказилмоқда.

Давоми 5-бетда

# ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИККИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

## Эроннинг етакчи оммавий ахборот воситалари олий даражадаги Ўзбекистон — Эрон саммити ҳақида

Бошланиши 1-бетда

Газета, шунингдек, Эрон ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзолангани ҳақидаги маълумотларни ҳам муштарийлар эътиборига ҳавола қилган.

Навр Эрон Президенти Иброҳим Раисийнинг "Техроннинг қўшни давлатлар билан алоқаларини кенгайтиришига ҳеч қандай тўсиқ йўқ, Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш эса икки халқ манфаати учун хизмат қилади", деган сўзларини иқтибос сифатида қаламга олган.

Ушбу газетада чоп этилган навбатдаги "Фаровон келажак учун қайта ишга туширинг" сарлавхали мақолада Ўзбекистон Президентининг Эрон Олий диний раҳбари Оятуллоҳ Сайид Али Хоманей билан учрашуви тафсилотлари қаламга олинган.

"Али Хоманей Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги мисли кўрилмаган тарихий, маданий ва илмий алоқаларини таъкидлаб, ушбу умумий асослардан турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш учун фойдаланиш зарурлигини таъкидлади", деб ёзади нашр.

Газета Ўзбекистон етакчисининг "Умид қиламизки, Техронда бўлиб ўтган музокаралар туфайли биз муҳим қадамлар ташлаб, савдо, транспорт, фан-техника ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни муносиб даражага кўтарамиз", деган фикрларини ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилган.

Эроннинг марказий босма нашрларидан бири — "Iran Daily" газетасида босилган мақолада Ўзбекистон ташқи сиёсатида жиддий ўзгаришлар рўй бергани, конструктив халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшнилари билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилгани алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий ютуғи Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришдаги туб ўзгаришлардир, дейилади нашрда.

"Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўртасида очиқ ва ишончли сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш натижасида сув ресурсларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, чегарадан ўтиш, чегара худудларини делимитация ва демаркация қилиш каби кўплаб мураккаб муаммоларга ечим топилди", деб ёзади газета.

Ўзбекистон раҳбарининг Эронга расмий ташрифи "Newspaper Iran" газетаси томонидан ҳам кенг ёритилди. Жумладан, ушбу газетада эълон қилинган мақолада ёзилишича, Ислом инқилоби етакчиси узоқ танаффусдан сўнг икки давлат ўртасидаги муносабатлар жоннаёвганидан мамнуллигини таъкидлаган. Эрон Туркманистон ва Афғонистон орқали Ўзбекистонни денгиз билан боғлаш имкониятига эга.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон — Эрон учрашувида савдо, инновациялар ва юқори технологиялар, сармоя, sanoat кооперацияси, транспорт ва коммуникациялар, туризм ва маданий-гуманитар алмашинув каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича амалий қадамлар белгиланди.

Газетада қайд этилганидек, ташриф давомида Ўзбекистон ва Эрон ўртасида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Эрон Миллий стандарт ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Технологиялар ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Ҳаракатлар режаси сингари муҳим ҳужжатлар имзоланди.

"Шунингдек, Спорт соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси, Низолатни ҳал этиш ва арбитраж тўғрисида аниқлаш меморандуми, Қайта сўғуртлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича факультатив битим ва бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланди", дейилади маънада.

Мақолада таъкидланишича, икки мамлакатнинг олий мартабали деле-



гациялари қўшма учрашувида Эрон Президенти Ўзбекистон билан муносабатларни икки халқ эътиқодида асосланган тарихий, цивилизациялашган муносабатлар сифатида тавсифлаб, икки мамлакатнинг ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги яхши имкониятларини эслатиб, ушбу ташрифи Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам деб атади.

Эроннинг инглиз тилида чоп этилган "Iran News" газетасида ушбу ташриф ҳақида эълон қилинган мақолада Ўзбекистоннинг нафақат минтақавий, балки глобал кун тартибини шакллантиришга қўшган ҳиссаси, глобал ҳамжамиятнинг хавфсизлиги, раванқи ва барқарор ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган хавф ва таҳдидларга қарши курашишнинг жамоавий механизмларини

яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди. Нашр мамлакатимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси этиб сайланишини муҳим воқеа сифатида эътироф этган.

Эроннинг энг йirik кундалик иқтисодий нашрларидан бири — "Sobh Eqtesad" газетаси ўз муштарийлари эътиборини улкан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида Ўзбекистон минтақанинг очиқ иқтисодиётига эга илгор давлатларидан бирига айланётганига қаратади.

"Ислохотлар жараёнида хусусий инвестициялар илгари "ёпиқ" худудларга фаосит жалб этила бошланди. Аввал 100 фоиз давлат мулки ҳисобланган авиация соноатида хусусий сектор учун катта имкониятлар очилди. Шу билан бирга, IT, туризм, таълим, тиббиёт каби жадал ривожланаётган соҳаларда Ўзбекистон

минтақавий хабга айланиб бормоқда, бу ҳам сармоя учун кенг йўл очмоқда", деб ёзади форс нашри.

"Donya-e-Eqtesad" газетасида босилган ушбу мавзудаги навбатдаги материалда сўнги йилларда жаҳон тараққиётидаги салбий тенденцияларга қарамай, Ўзбекистон ташқи савдоси юқори суръатларда ўсиб бораётгани таъкидланган. Мамлакат Марказий Осиёда иқтисодиёт ва савдонинг локомотиви айланди.

"Мамлакатда экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман, ташқи савдо балансини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, 2022 йилда республика ташқи савдо айланмаси 50 миллиард долларни ташкил этиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоиздан ортиқ ўсишга эришди", дейилади маънада.

"Шарқ" Стратегик тадқиқотлар институти томонидан эълон қилинган таҳлилий мақолада Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари иқтисодиёт ривожини, мамлакатнинг минтақавий ва халқаро савдодаги роли ортиб бораётганини яққол кўрсатиб турибди, деб ёзилган.

"Шу нуқтаи назардан қараганда, геосиёсий ўзаро боғлиқликлар билан бирга Эрон билан маданий ва тарихий ўхшашликларга эга бўлган Ўзбекистонни расмий Техроннинг муҳим бизнес ҳамкори деб ҳисоблаш мумкин", дейилади нашрда.

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари статистик маълумотлар ҳамда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги муҳим маълумотлар қаламга олинган.

Халқаро муносабатлар бўйича стратегик кенгаш Эроннинг Марказий Осиё мамлакатларига денгизга чиқиш имкониятини таъминлаш бўйича ноёб географик жойлашуви ҳар доим икки томонлама муносабатлардаги энг муҳим иқтисодий афзаллик ҳисобланганига эътибор қаратади.

"Марказий Осиёнинг sanoat, иқтисодий ва савдо марказига айланиб бораётган Ўзбекистон савдо алоқаларини диверсификация қилиш учун Эрон орқали энг хавфсиз, энг қисқа ва қулай йўллардан фойдаланиши мумкин, — дейди кенгаш экспертлари. — Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Африка, Жануби-шарқий Осиё ва ҳатто Жанубий Америкадаги янги бозорларга чиқиш истиғи ҳам транспорт масаласини ҳал этишнинг аҳамиятини оширмоқда".

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Эронга расмий ташрифи муносабати билан "Trends" иқтисодий журналининг янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилган ютуқларга бағишланган махсус сони ҳам чоп этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

"Дунё" АА  
Техрон

### ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ

## Бунда аҳолининг даромадини ошириш ва эҳтиёжмандларга мадад бериш асосий мезон этиб белгиланган

Гулноза САТТОРОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти бош илмий  
ҳодими, юридик фанлар номзоди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар динамикасига мос равишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, самарали ижтимоий сиёсат юритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда, аввало, маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, тарихий анъаналаримиз, миллий руҳиятимизга мос йўлдан борилаётган бўлса, иккинчи томондан, жаҳон тажрибасига, ривожланган мамлакатлар эришган ютуқларни ўзлаштиришга ургу берилаётир.

"Инсон қадри учун" эзгу гоёси атрофда бирилашиб, юксак мақсад — демократик ва эркин янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида собитқадамлик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ва жадал ислохотларни халқимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани қувонарлидир.

Юртимизда мустақиллик йилларида яратилган миллий ижтимоий таъминот тизими доирасида фуқароларнинг моддий ва пенсия таъминотини яхшилаш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, болалар ва ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқларини кафолатлашга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Эҳтиёжманд оилалар учун манзилли қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Ушбу соҳанинг ривожланиш жараёни давлат ва жамият имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич изчил амалга оширилмоқда. Бу жараёнда гендер тенглик, боқимандалик ва ижтимоий адолат ҳақидаги замонавий қарашларга зид бўлган меъёрларга босқичма-босқич барҳам берилляпти. Шу тахлит ўтказилган ислохотлар натижасида жамиятнинг эҳтиёжманд қисми давлат ижтимоий ҳимоя тизими-га киритилган бўлиб, унда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий усули сифатида даромадлар микдори

кўпайтирилиши ҳамда фуқароларга моддий кўмак берилиши кўзда тутилган. Шуниси ҳам эътиборлики, мамлакатимизда бошқа давлатлардаги каби барқарорлаштириш аҳоли даромадларини чеклаш ҳисобига эмас, балки ижтимоий адолат принципларига таянган ҳолда манзилли янги ижтимоий ёрдам механизмларини яратиш орқали, иқтисодий вазият ва имкониятлар эътиборга олинган ҳолда амалга ошириб келиняпти.

Бозор муносабатлари томон ҳаракат қилинган сари ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари, аҳолига ижтимоий кўмак бериш ва уни ҳимоя қилиш чоралари ҳам ўзгариб боради. Бугунги кунга келиб, ижтимоий сиёсатни амалга оширишда янги босқич, яъни ижтимоий ҳимоялаш воситасини чуқурлаштириш, уни ўзгариб бораётган замон талабларига, шароити мослаштириш зарурати юзага келди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ижтимоий давлатга хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассам этган ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, камбағаллик мавжудлиги тан олинди ва уни камайтириш билан боғлиқ бўлган давлат органи ташкил этилди. Ижтимоий ёрдамнинг янги шакллари жорий қилинди ва моддий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўлами бир неча баробар кўпайтирилди. Ушбу ислохотларни ўзида мужассамлаштирган



аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни ва комплекс чора-тадбирларни белгилаб олган 2030 йилгача мўлжалланган стратегия қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан миллий ижтимоий ҳимоя сиёсатининг кейинги

ривожланиш йўналишлари белгилаб берилди. Ижтимоий сўғурта жамғармаси ташкил этилиб, бу соҳадаги масалаларда янгича ёндашув белгиланди.

Аслида, ўзининг ҳуқуқий табиғатига кўра сўғурталаш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг таркибий элементи ҳисобланади ва бу тизимда аҳолининг бевосита иштирокини назарда тутади. Давлатнинг одамлар учун муносиб турмуш даражасини яратиши, барча учун тенг имкониятлар белгилаши, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид вазифалари янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам ўз аксини топди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бўлиб ўтаётган демократик жараёнинг энг муҳим босқичи бўлиши мумкин деган илгари Президентлик сайловида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари устувор ўринга қўйилгани эътиборлидир. Сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар ўз Сайловолди дастурида мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттириш билан боғлиқ бўлган бандлик, ногиронлиги бор шахслар-

“ Аслида, ўзининг ҳуқуқий табиғатига кўра сўғурталаш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг таркибий элементи ҳисобланади ва бу тизимда аҳолининг бевосита иштирокини назарда тутади. Давлатнинг одамлар учун муносиб турмуш даражасини яратиши, барча учун тенг имкониятлар белгилаши, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид вазифалари янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам ўз аксини топди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



га ва пенсионерларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, ижтимоий хизматлар ва нафақалар кўламини янада кенгайтириш, ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик мезонларига мос келадиган демократик ижтимоий давлатни барпо этиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш йўналишларида қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда.

Дунё амалиётида ижтимоий давлат мақомига эга давлатлар иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган. Давлатнинг бошқарув тизими ижтимоий йўналтирилган, фуқаролик жамияти ҳар томонлама шаклланган, давлат томонидан турли ижтимоий дастурларни амалиётга жорий этиш тажрибаси тизимлаштирилган. Шу билан бирга, мазкур мамлакатлар ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш шароитини таъминлаш, яшаш учун тенг имкониятлар яратиш ҳамда ўз фуқароларни олдидан қўллаб ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳам бу борада кенг қамровли ислохотлар амалга ошириляпти. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида илгор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш, тизим самарадорлиги ва манзиллигини ошириш орқали аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий сўғурта механизмлари билан қамраб олиншини кенгайтириш масалаларини ҳал этиш Агентлигининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Илгор хорижий мамлакатларда ижтимоий давлат тамойиллари қандай ҳал этилгани борасидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёда ижтимоий

сўғурта тизими кенг ривожланган бўлиб, аҳоли турмушини яхшилашда айнан сўғурта тамойилидан фойдаланилган. Умуман олганда, дунёда мавжуд пенсия тизимларининг турли моделлари сўғурта хизматларига боғланганини кўрамыз. Улар учта асосий стратегияга асосланган, яъни солидар, жамғариб бориладиган ва аралаш. Биринчиси пенсионерларнинг минимал даражадаги ҳаётини таъминлашга қаратилган, кейинги иккитаси эса мажбурий ва ихтиёрий сўғурта тамойилларига таянган. Энг юқори миқдорда пенсия тўланадиган сўғурта тўловлари назарда тутилган пенсия тизими мавжуд бўлган илгор давлатлар рўйхатида Нидерландия, Дания, Швеция, Сингапур, Норвегия, Австралия қиради. Уларда нодавлат корпоратив ва ихтиёрий сўғурталаш давлат ижтимоий сиёсатига интеграция қилинган.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бўлгани сабабли унинг ҳуқуқий асослари ушбу устуворликка тула мос бўлиши замон талабидир. Юртимизда рўй бераётган бугунги муҳим сиёсий жараёнларда халқимиз бу борада юксалишга асос бўладиган янги-янги режа ва дастурларни қўлағатганига шубҳа йўқ. Табиийки, халқимизнинг ана шундай интилиши ва орзу-ниятларини рўёбга чиқариш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, кафолатли даромад манбаи, тиббий хизмат ва уй-жой, сифатли таълим билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ислохотлар янада тақомиллашди. Шунингдек, юртимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга мустаҳкам пойдевор бўлади.



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

# АДОЛАТЛИ КЕЛАЖАКНИ ТАНЛАЙМИЗ

## ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудовнинг Сайловдиги дастурида тўққизта йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинган. “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурларига ҳамоҳанг ва уйғун бу йўналишларда Ватанимиз тараққиёти йўлида демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсади баён этилган.

Мақсадга эришиш йўли нималардан иборат? Улар жамиятимизда қандай янгиликларга, ўзгаришларга йўл очиб беради? Ушбу масалалар, айтиш пайтида малакали экспертлар томонидан жиддий таҳлил қилиниб, улар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Қуйида номзоднинг Сайловдиги дастури ҳусусида билдирилган фикр-мулоҳазалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### Исмоил САИФНАЗАРОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, фалсафа фанлари доктори:

— Янгиланган Конституциянинг 52-моддасида давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилади, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиш тўғрисида ҳамхўрлик кўрсатади, деган норма белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, “Адолат” СДП номзоди ўз Сайловдиги дастурида ўқитувчининг обрў-эътибори — бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори эканига алоҳида уруғ бермоқда. Партия ҳам ўз электоратининг салмоқли қисмини ташкил этган педагог ходимларнинг нуфузини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни кўриш тарафдори. Шу мақсадда ўқитувчининг мақомига оид қонуннинг тез фурсатда қабул қилиниши номзоднинг дастурида устувор масала сифатида эътибор этилган.

Маълумки, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши, энг аввало, замонавий илгор технологияларнинг ҳаётга



татиқ этилиши билан боғлиқ. Замонавий илгор технологияларни ҳаётга татиқ этиш учун эса таълим, илм-фан, инновацияларни ривожлантириш талаб этилади. Шунинг учун дастурида фан — таълим — ишлаб чиқариш тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаш масаласи замонавий илгор технологияларни юзага келтиришнинг асоси сифатида белгиланади.

Ҳаммамизга аёнки, ҳар қандай жамиятда таълимни ривожлантирмасдан

туриб, илм-фан соҳасида янгиликларни яратиб бўлмайди. Илм-фан соҳасида янгиликлар бўлмаса, инновацияларни юксалтириш, янги технологиялар яратиш қийин кечади. Буларсиз эса жамият тараққиёти юзага келмайди. Шу сабабли номзод дастурида таълим, илм-фан, инновацияни янада ривожлантириш масаласини кундалик ҳаётимизнинг асосий вазифаларидан бири, деб белгилади. Нафақат белгилайди, балки таълим, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш пировард мақсад — адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий омили, деб қарайди.

Бугунги кунда таълим тизими ва илм-фан ўртасида, илм-фан билан инновация ўртасида узвий боғланишлар, ҳамкорликлар кутулганидек натижа бермоқда, деб айта оламиз. Шу билан бирга, олимларнинг илмий ва инновацион ишланмаларини тижоратлаштириш, яъни уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш даражаси юқори эмас. Бошқача айтганда, илм-фан янгиликлари билан саноат, ишлаб чиқариш ўртасида узилиш мавжуд. Яратилган илм-фан кашфиётлари, ихтироларини ҳаётга татиқ этиш ишларини жадаллаштириш лозим.

Бу даражани юксалтириш учун номзод дастурида яна бир жараёнга —

иқтисодиётнинг ҳақиқий драйвери бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътиборни қаратади. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу соҳалардаги ақсариёт илгор фикрлар, гоғлар, ихтиро ва кашфиётлар айна шу соҳалар вакилларининг фаолияти туфайли юзага келади.

Номзод дастурида эътиборни мактаб таълимини халқро таълим дастурларига асосида изчил ислоҳ қилиш жараёнига ҳам қаратади. Бунинг сабаби аниқ, чунки илм-фаннинг, инновацион янгиликларнинг асоси биринчи навбатда, халқ таълими, мактабларда ўқиш тизимини яхшилашдан бошланади. Яъни ҳамма нарса таълим дастурларидан бошланади.

Президентликка номзод Сайловдиги дастурида бу йўналишдаги асосий мақсадни мамлакатимизда инновацион ривожланишни жадаллаштиришдан, иқтисодиётнинг барча тармақларидан инновациялар ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татиқ қилишдан, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантиришдан иборат, деб белгилайди. Юртимиз, Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган бундай гоғларни қўлаб-қувватлайман.



### Хolidжон КОМИЛОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор, Тиббиёт ҳодимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг офталмология кафедраси профессори:

— “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудовнинг Сайловдиги дастурида туртинчи йўналиши соғлиқни сақлаш тизимига бағишланган. Унда, жумладан, давлат ҳисобидан кўрсатилган таълимий хизматлар ва дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш, ижтимоий дорихоналарни ривожлантириш, оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Бу масалаларга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Негаки, фуқароларга кўрсатилган тиббий хизмат даражаси такомиллаштирилиши муҳим. Чунки тиббий хизматлар ривожланмаса ва бу иш давлат томонидан амалга оширилмаса, соғлиқни сақлаш тизимида турли мураккабликлар, қийинчиликлар келиб чиқади. Касалликларни даволаш сифати ҳам, фуқароларнинг тиббиёт тизимига ишончи даражаси ҳам пасаяди. Айтиш пайтида дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш борасида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Эътибор беринг, юртимизга ҳар хил дори воситалари кириб келаверса, бу дори воситаларининг аҳоли соғлиғини яхшилаш ўрнига зарарли томонлари мавжуд бўлса, ҳўш, бунга ким жавоб беради? Шундай экан, давлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва дори воситалари рўйхатини давлат томонидан қатъий эътибор билан шакллантириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Дастурда нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотга ўтказиш масаласи ҳам ўртага ташланган. Бу айтиш

юқоридаги масалани ижобий ҳал қилишнинг яна бир самарали усули ҳисобланади. Чунки тиббиёт ташкилоти бутунлай тижорат ташкилотига айланса, маблағ кетидан қувиш бошланади. Маблағ кетидан қувиш эса соғлиқни сақлаш тизимида аҳолини қийинлаштиради, ижтимоий мақсадлардан тижорий мақсадлар устун қўйилишига сабаб бўлади. Тизимда турли иллатларнинг юзага келишига омили яратилади. Шунинг учун ҳам уларни нотижорат ташкилотга айлантириш мақбул йўл кўринади. Бу амалиёт Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган давлатлар тажрибасига тўла мос келади.

Дастурда оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш масаласи ҳам тўғри қўйилган, деб ҳисоблайман. Чунки шундай касалликлар борки, улардан фориғ бўлиш учун ҳар қандай фуқаро ёки оиланинг имконияти, кучи етавермайди. Бъъзан эса жамиятда эпидемия ёки пандемияни юзага келтирадиган касалликлар пайдо бўлади. Бу эса ўз-ўзидан оғир касалликларни ва пандемия туфайли юзага келган асоратли касалликларни даволашда давлатнинг фаолиятини кенгайтиришни талаб қилади. Қолаверса, аҳолининг қафолланган тиббий хизматлардан фойдаланиш масаласи янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам ўз аксини топгани, бу номзоднинг дастуридаги айтиш масалалар ҳам ифодаланган.

Сайловдиги дастуридаги фармацевтика ва тиббиёт ҳодимлари орасидаги яширин келишувлар ортдан беморларга ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга таъсир қўришига юқорилгани, Ўзбекистон антибиотиклар истеъмол бўйича етакчи ўринларда экани ҳақидаги фикрлар ҳам ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Афсуски, бундай салбий ҳолатлар ҳаётимизда мавжуд ва уларни бартараф этиш зарур. Ахир бундай келишувлар оқибатида фуқароларнинг қанчадан-қанча маблағлари қўққа совурилади, энг ачинарлиси, фуқароларимизнинг соғлиғига зиён етади. Шунинг учун ҳам номзод ўз Сайловдиги дастурида дориларнинг ягона электрон базасини янада такомиллаштириш масаласини ўртага қўяди. Бу орқали дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасини, фармацевтика ва тиббиёт ҳодимлари ўртасидаги яширин келишувларни ҳамда дорилар нархининг асоссиз оширилишини бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий давлат таълимига мувофиқлаштириш ва шу асосда “Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодексини” лойиҳасини янада такомиллаштириш масаласи дастуридаги асосий йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

Номзод дастуридаги яна бир муҳим масала, мамлакатимизда “ақлли тиббиёт” тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни кенгайтириш билан боғлиқ. Зеро, бугунги кунда дунё тиббиётининг илгор усуллари билан танишиш, хорижий давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқларидан самарали фойдаланиш, аҳолиимизнинг соғлиғини янада яхшилаш учун “ақлли тиббиёт”дан, телемедицинадан, замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш ҳаётий заруратга айланган. Бу эса бугунги ислохотларимизнинг, аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шу сабабли, дастуридаги бундай гоғларни тўлиқ қўлаб-қувватлайман.



### Инна КОРЖИКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятда туган ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Хотин-қизларга муносабат маълум муддатгина талаб этилган масала эмас. Бу доимий изчилликни, мунтазам эътиборни ва қатъиятчи талаб этилган масала. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади, деган ҳикमत бежиз айтилмаган. Аёлларимизнинг оилада туган ўрни беқисс. Оқила аёллар ўз меҳри билан оиладаги муҳитни, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни сақлаб туради.

Номзод дастурида адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармақларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлашга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ўз фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилган.

Номзод томонидан хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, айнакча, қишлоқ жойларидagi хотин-қизларни оилавий ва

хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам эътирофга молик.

Энг муҳими, номзод жамиятда хотин-қизлар фаоллиги ва ролини оширишда бардавом бўлиб, барча бугундаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хотин-қизлар вакилларини кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Маълумки, янгиланган Конституцияда оила институтига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, оила жамиятнинг асосий бўлиши ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, давлат оиланинг тулақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шaroитлар яратиши, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофазаси қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оилани қўлаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, аънавий оилавий қадриятларни сақлаш бўйича чоралар қўриши кераклиги алоҳида белгиланган.

Шунингдек, номзод ўз Сайловдиги дастурида мазкур ҳаётбахш конституциявий нормалардан келиб чиққан ҳолда, “**Оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазаси тўғрисида**”ги қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сурмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, оила институтини янги конституциявий нормалар асосида мустаҳкамлаш ҳамда янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Номзод оилаларда тенг ҳуқуқли ва адолатли муносабатни, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратган.

Бунинг учун, аввало, оилавий ажримларнинг олдини олиш чораларини қўриш керак. Шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича миллий индексларни ишлаб чиқиш зарур.

Номзод дастурида репродуктив саломатлик ва демографик ривожланишни барқарор таъминлаш мақсадида “**Соғлом оила — соғлом жамият 2030**” дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татиқ этиш режасини ҳам алоҳида қайд этиб ўтган. Чиндан ҳам, жамиятнинг соғломлашиши оиладан бошланади. Соғлом оилалар умумлашиб, ягона соғлом жамиятнинг ташкил этади. Бу ерда гап, албатта, оиланинг ҳам жисман, ҳам маъна соғломлиги ҳақида кетаётгани масаланинг долзарблигини янада оширади, деб ўйлайман. Юқоридагилардан келиб чиқиб, барчани номзодимизни қўлаб-қувватлашга қақираман!



### Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси раҳбари:

— Аънавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли дастурларининг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли ижтимоий давлат сиёсатини қўлаб-қувватлаётган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг барча соҳаларда ижтимоий адолатни қарор топтириши ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этади.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудовнинг Сайловдиги дастурида давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида бир қатор тақлифлар илгари сурилмоқда.

Мисол учун, ҳар қандай оила ўз оила бошқарувини режалар асосида амалга ошириб бурса, шубҳасиз, ўша оила аъзоларининг ҳаёти фаровон, дастурхонини тўқин, келажакки нури бўлади.

Биз яшаб турган жамиятни қўлаб оилалардан ташкил толган улкан бир оиллага қиёс қилиш мумкин. Шундай экан, жамият ва давлат бошқаруви ҳам мукаммаллигини, хатосиз ишланиш талаб қилади. Қолаверса, оила бошқаруви ҳам, давлат бошқаруви ҳам ҳақиқат тирик организм каби янгилиниб туради, демек, жамият бошқаруви ҳам ушбу жараёнда

қундан-қунга шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб бера олиши керак.

Айтиш шайкидан олиб қараганда, номзодимизнинг Сайловдиги дастурида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, парламентаризм ва парламент демократиясини янада ривожлантириш юзасидан бир қатор янги гоғлар илгари сурилмоқда.

Хусусан, номзод маҳаллий Кенгашларга туман (шаҳар) ҳокимларига нисбатан ишонсизлик билдириш ҳуқуқини беришни тақлиф этмоқда. Бу масаланинг моҳияти нимада? Бу тақлифнинг қандай аҳамияти боради?

Кучли фуқаролик жамиятига ўтаётган мамлакатимизда сўнгги йилларда жойларда ижро ҳокимияти устидан самарали назоратни таъминлаш мақсадида маҳаллий Кенгашларга бир қатор ваколатлар берилди. Ижро ҳокимиятининг маҳаллий Кенгашлар олдидagi ҳисобдорлиги, бюджет жараёнини назорат қилиш каби ваколатлар шулар жумласидан.

Биз ҳудудларда ҳокимларнинг ҳисобдор бўлиши тарафдоримиз. Шу боис, номзодимизнинг маҳаллий Кенгашларга, ҳокимларга ишонсизлик билдириш ҳуқуқини бериш борасида илгари суратилган тақлифни ўта долзарб ва муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур тизим ишга тушган тақдирда ҳокимларнинг ҳам, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳам ўз ишига масъулият билан қарши, жавобгарлик ҳисси кучаяди. Бу эса, ўз навбатида, халқ манфаати ва жамият тараққиётига хизмат қилади.

Шунингдек, Президентликка номзод Робохон Махмудова ўз Сайловдиги дастурида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказилиб, такомиллаштирилиши зарурлигини ҳам билдирилган. Бу ҳам жамият ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган тақлифдир. Чунки адолат устувор жамиятда қабул қилинган ҳар қандай қонун сўзсиз ва самарали ишланиши зарур. Агар амалдаги қонун ишламаса, бу вазият, таҳлил этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши ва ечимлар берилиши зарур бўлади.

Номзодимизнинг Сайловдиги дастури шундай ва шу каби ҳаётий гоғлар билан уйғунлиги беги, мен уми қўлаб-қувватлайман. Барчани партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудовага овоз беришга қақираман.

### айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қондасига айлантиришга интиламиз”, деган гоғ илгари сурилган.

Шубҳасиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг қадр-қимматини эъзозлаш марказий масала ҳисобланади. Бунинг учун, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонун асосида ҳимоя қиладиган суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга эътибор бериш талаб этилади. Шу боис, номзод ўз Сайловдиги дастурида бу вазифага алоҳида эътибор қаратган.

Дастурда судлар адолат ҳимоясига айланиши керак, деган фикр илгари сурилган. Бунинг учун бир қатор масалаларни ижобий ҳал қилиш керак. Аввало, судьялар сонини кўпайтириш, уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш, қолаверса, суд ва ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органларнинг иш услубини, тафаккурини ўзгариши, яъни судьялар фаолиятини эскича ёндашувларини бартараф этиб, улар фаолиятини жазолаш гоғасидан адолат, тенглик, эркинлик гоғларига ўтказиш зарурлиги илгари сурилди. Бу гоғлар бугунги кун талабидан келиб чиқ-

қан десак, айтиш ҳақиқатни эътироф этган бўламиз.

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун фақат адолатли қонунлар ишлаб чиқиш, суд тизими мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ўзи билан иш битмайди. Айтиш пайтида жамиятнинг барча жаҳаларида қонунчилик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам талаб қилинади. Жамоатчилик назорати эса сиёсий кучлар — партиаларнинг жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорлиги натижасида юзага келади. Бизнинг номзодимиз ҳам партиаларнинг жамоатчилик фаолиятини янада кучайтириш тарафдори.

Хулоса қилиб айтганда, Президентликка номзод қонун устувор бўлган жамиятда тинчлик ва оқойишталик ҳукм суришига, тараққиётнинг барқарор бўлишига, халқнинг давлат сиёсатига ва келажакки ишончи ортишига, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксак бўлишига ишонади. Бу ишонч унинг Сайловдиги дастурида ҳам ўз ифодасини толган.



яъни “**Ҳуқуқий давлат қуриш**”га бағишланган. Шу сабабли, бу йўналишда, аввало, “**Биз “Қонун устуворлиги — адолатли жамият қуришнинг муҳим шартини”** деган тамойилни жамиятнинг ҳар бир аъзоси,

### Қутбидин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:

— Маълумки, “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурида “**Олий қадрият бу — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир!**” деган тамойил мустаҳкамланган. Бу тамойил партия фаолиятининг асосий гоғларидан бири қилиб олинган. Шу ўринда савол туғилади, партия сиёсий платформасида нима учун инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари олий қадрият даражасида улуғланмоқда? Жавоби маълум — инсон улуғланмаган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари қафолатланмаган жойда қадрият ҳам, адолат ҳам бўлмайди. Инсон қадрияти, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари қонунлар асосида белгиланади. Қонунлар эса адолатли бўлмоғи керак.

Президентликка номзод дастурининг биринчи йўналиши айнан шу масалаларга,

## ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

## НОДИР МЕТАЛЛАР ВОДИЙСИ

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**  
иқтисодий шарҳловчи

Бошланғич 1-бетда

— Дунё миқёсида палладийга бўлган талаб жуда юқори, — дейди Инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш технологик маркази бўлими бошлиғи Зулфизар Мирзанова. — Лекин у хар доим ҳам маъданларда етарли даражада учрамайди. Олим-мутахассисларимиз томонидан мис ишлаб чиқариш чикинди шлам маҳсулотларининг қайта ишланган электролит эритмаларидан қимматбаҳо металлни тўлиқ ва соф ҳолда ажратиш олиш янги технологиясининг яратилиши бунга имкон яратди. Аслида, илмий тадқиқотлар 2018 йилнинг ноябрь ойида бошланган эди. Асосий мақсад техноген чикинди — электролит эритмаларида, у гарчи 1 литрда 50 миллиграмм бўлган тақдирда ҳам, соф палладий кукунини ажратиш олиш усулини ишлаб чиқишга қаратилди. Вазифа ошириб бажарилди. Айни пайтда ҳатто 40 миллиграмм палладий бир литр эритмада қолганда ҳам чуқмага тушириб олинмоқда. Чунки комплекс чикитириш ва тазалашнинг янги усули ана шундай самара берапти.

Бугунги кунда Япония, Хитой, Европа ва Шимолий Америка давлатлари сановат бозоридан палладийдан унумли фойдаланиб келинади. Улар сафига мамлакатимиз ҳам қўшилаётгани импорт ўрнини босиш ва экспортни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Дунё бозорига 1 грамм 60 доллардан ортиқ баҳоланадиган мазкур нодир металлни ишлаб чиқариш сановати йилдан-йилга такомиллашмоқда. Платинадан ҳам қиммат юрадиган бу нодир металл асосан тиббиёт, электроника, машинасозлик ва кимёвий ишлаб чиқариш тармоқларида кенг қўлланилади.

Жамият олим ва мутахассисларининг узоқ йиллик изланишлари, илмий тадқиқотлари туфайли ўтган йили платина ишлаб чиқариш технологияси бўйича ҳам муаллифлик ҳуқуқи кўлга киритилди. Натижада комбинатда олтинга нисбатан ер юзидан уч баробар камроқ учрайдиган ноёб металлни тайёрлаш технологиясини жорий этишга йўл очилди. Шу пайтга чам дунёда 5 та платина ишлаб чиқарувчи давлат бўлса, Ўзбекистон олтинчи мамлакат сифатида улар сафига қўшилди.

Бугун жажон бозоридан платинанинг 1 грами 31 долларга баҳоланади ва нархи тобора ошиб борапти. У кўрғошдан 2 баробар зич бўлган ҳолда, ўтга чидамлилиги, электр ўтказувчанлиги, зангламаслиги туфайли космос, тиббиёт, электротехника, шинасозлик, авиасозлик, кемаасозлик, автомобилсозлик учун ўта зарур хомашё сифатида ишлатилади. Заргарлар эса бифи-бирдан нафис буюмларни тайёрлашда унинг оловга бардошли, қаттиқ ҳамда ўта эгулвчанлиги учун "Рангли металллар малякиси", дея қадрлайди.

### Янги лойиҳалар ва хорижий бозорларга йўл

"Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖнинг Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар бўйича илмий ишлаб чиқариш биришмас мутахассислари томонидан олиб бораётган янги изланишлар ҳам эътиборни тортади. Бу ерда 2016 йилдан буён амалга оширилаётган илмий изланишлар, лаборатория синовлари ўз самарасини бермоқда. Жумладан, бу ерда беш йиллик тадқиқот ва машаққатли меҳнат эвазига 2021 йилга келиб 99,9 фоиз соф ҳолдаги рений метали олишга муваффақ бўлинди. Ушбу ноёб маҳсулот кукунининг ажратилишига, аслида, Мис эритиш заводининг нодир металллар ишлаб чиқариш цехида тайёрланадиган перренат аммоний асос бўлди.

Менделеев даврий жадвалининг 75-ўрнида жойлашган бу металл ўзига хос ноёб физик-кимёвий хусусиятларга эга. Масалан, нефтни қайта ишлаш корхоналарида ундан катализатор тайёрлашда асосий компонент сифатида фойдаланилади. Авиасозлик ва электротехника соҳаларида эса деталлар учун асосий элемент ҳисобланади. Рений ўзининг ноёблиги туфайли ҳатто ядро сановатида ҳам асқатади. Унга инсон саломатлигини тиклашда ҳам эҳтиёж борлигини инобатга оладиган бўлса, комбинат меҳнат жамоаси эришган ютуқнинг аҳамияти нақадар бекиёс экани янада ойдинлашади.

— Асосий фаолиятимиз вольфрам ва молибден каби ноёб металллар, шунингдек, қаттиқ қотишма маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат, — дейди бирлашманнинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Улуғбек Рузиев.

— Тайёрланаётган вольфрам ва молибден маҳсулотларининг 95 фоизи Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Биз маҳаллий корхоналар учун ҳам ўтга чидамли маҳсулотлар бўйича инвестиция лойиҳасини амалга оширишга қатта эътибор қаратяпмиз. Маҳсулотлар асосан пўлат ишлаб чиқариш, машинасозлик ва ҳарбий сановатда қўлланилади. Маҳаллий бозор учун металл қайта ишлаш сановатида ишлатиладиган қаттиқ қотишмаларга эҳтиёж катта. Масалан, 2019 йилда маҳаллийлаштириш бўйича ўтга лойиҳа амалга оширилган бўлса, 2020 йилда 32 турдаги маҳсулот, хусусан, машинасозлик учун кесувчи асбоб-ускуналар, ўтга чидамли маҳсулотлар, зирхли дисклар ўзлаштирилди. 2021 йилда яна 30 та лойиҳа, жумладан, Ўзбек-корейс илмий-технологик маркази билан биригилда ўтга чидамли маҳсулотлар, янги қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш ишлари амалга оширилди.


Илмий асосланган режа амалий ишлар билан уйғунлашган тақдирда қўзланган самарани беради. "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ томонидан 2022-2024 йилларга мўлжалланган Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш биришмасини ривожлантириш ҳамда янги маҳсулотларни ўзлаштириш дастури ижроси бунинг ҳаётий тасдиғи. Дастурга мувофиқ, корхонада умумий қиймати 61,52 миллион

лига 5 миллиард сўмлик фойда келтиришини кўрсатади.

Яна бир эътиборли жиҳати, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси натижасида янги турдаги композит қотишма, яъни металл керамика ўзлаштирилди. Ундан сирпанма подшипниклар тайёрлаш мумкин. Бунинг учун темир кукунни ва молибден карбиди асосидаги композит қотишмалар ишлаб чиқариш участкаси ҳам ташкил этилди. Подшипникларнинг афзаллиги шундаки, улар узоқ муддат хизмат қилади ва шу ёрнинг ўзиде ишлаб чиқарилапти.

Масалан, доимо ишлатиладиган шарикли подшипникнинг хизмат муддати бир ойдан ошмаса, тақлиф қилинаётган молибден карбиди асосидаги сирпанма подшипник ундан икки баробар ортиқ хизмат қилади. Унга бир йилда ўртача 1 минг 500 дона эҳтиёж бўлиб, биттасининг нархи 639 минг сўм туради. Авваллари ишлатиладиган бир дона шарикли подшипник нархи 954 минг 500 сўм эканини инобатга оласак, комбинат бир йилда ўртача 473 миллион сўмини тежашга эришади.

Комбинатнинг Мис эритиш заводи таркибидеги ноёб металллар ишлаб чиқариш цехи ҳам тобора кенгайиб борапти. Бу ерда асосан таркибидеги микдори 25 фойздан кам бўлмаган молибден куйиндиси ҳамда таркибидеги камиде 69,3 фоиз рений бўлган перренат аммоний



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА Ўқиш учун мазкур QR-кодни сканер қилинг.

долларлик 30 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу туфайли 2024 йилга бориб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,9 триллион сўмга етади. Усиш суръати эса 10,4 мартага ошади. 164,2 миллион долларлик экспорт амалга оширилди, бу борада 5,4 баробар ўсишга эришилди.

Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 132 лойиҳа ўзлаштирилади ва ўсиш 4,1 баробарга тенг бўлади. Умуман олганда, 1 минг 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Бирлашманда 2022 йил ва 2023 йилнинг дастлабки чорағида амалга оширилган лойиҳаларга эътибор қаратадиган бўлсақ, молибден ишлаб чиқариш ҳажми 800 тоннадан 1 минг 200 тоннага етказилди. Натижада 17,2 миллион доллар қийматда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди, соф фойда 5 миллион долларни ташкил этди. Бундай ютуққа эришишда ўтган йилнинг май ойида пирометаллургия цехи таркибидеги молибден металлани олиш бўйича янги участка фаолиятининг хиссаси катта. Ушбу участкада олиб борилган самарали тадқиқот ишлари натижасида соф ҳолдаги, яъни 99,97 фоизли молибден метали олинди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Унга қадар бирлашманда 96,48 фоизли молибден ишлаб чиқариб келинган. Аҳамиятлиси, унинг софлик даражаси қанча ошса, нархи ҳам шунча кўтарилиб бораверади. Жаҳон бозоридега ўтган йил июнь ойида 1 килограмм 99,97 фоизли молибденнинг нархи 46,85 долларни ташкил этган эди. Жорий йилдаги нархлар ҳам шу атрафда. Бу корхонада молибден экспортининг ўсиш суръати 2,43 фойдга ошиши, йи-

лига 5 миллиард сўмлик фойда келтиришини кўрсатади.

Яна бир эътиборли жиҳати, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси натижасида янги турдаги композит қотишма, яъни металл керамика ўзлаштирилди. Ундан сирпанма подшипниклар тайёрлаш мумкин. Бунинг учун темир кукунни ва молибден карбиди асосидаги композит қотишмалар ишлаб чиқариш участкаси ҳам ташкил этилди. Подшипникларнинг афзаллиги шундаки, улар узоқ муддат хизмат қилади ва шу ёрнинг ўзиде ишлаб чиқарилапти.

Масалан, доимо ишлатиладиган шарикли подшипникнинг хизмат муддати бир ойдан ошмаса, тақлиф қилинаётган молибден карбиди асосидаги сирпанма подшипник ундан икки баробар ортиқ хизмат қилади. Унга бир йилда ўртача 1 минг 500 дона эҳтиёж бўлиб, биттасининг нархи 639 минг сўм туради. Авваллари ишлатиладиган бир дона шарикли подшипник нархи 954 минг 500 сўм эканини инобатга оласак, комбинат бир йилда ўртача 473 миллион сўмини тежашга эришади.

### Улкан захира, юқори салоҳият ва амалий ишлар уйғунлиги

Каттакўрғон шахридан жануби-шарқдаги Зирабулоқ тоғларида жойлашган "Ингичка" кони ўтган йили "Олмалик КМК" АЖ тасарруфига ўтказилди. Фабриканинг биринчи босқичи йиллик ишлаб чиқариш қуввати 100 тонна вольфрам концентратини ташкил этади, 80 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Иккинчи босқич доирасида йилга 285 тонна вольфрам концентратини ишлаб чиқаришга эришилди.

Вольфрам — нодир металллар сирасига киради ва қаттиқ қотишмалар учун асос ҳисобланади. Ундан пўлатларни легиришда, ейилишга чидамли ва иссиқбардош қаттиқ қотишмалар олишда фойдаланилади. Шунингдек, авиация, космонавтика ва электротехникада кенг қўлланилади. Зичлиги юқори бўлгани учун ундан зирхлар ҳам тайёрланади. Хо-



зирги кунда жаҳон бозоридега 1 килограмм вольфрамнинг нархи — 40 доллар.

Бирлашманнинг асосий минерал хомашё базаси Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани ҳудудида жойлашган "Ингичка" вольфрам кони техноген чикиндилари ҳисобланади. Бу ерда жами 7 минг 203 тонна вольфрам учун оксиднинг захиралари мавжуд. Уларни қайта ишлаш ва вольфрам концентратини ажратиш олиш хисобига янги турдаги юқори қўшилган қийматли экспортбон маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва илк вольфрам маҳсулотини олинди.

Жиззах вилояти Форш туманидаги "Учқулоч" кўрғошин-рух конини сановат асосида ўзлаштириш ва Олмалик тоғ-кон сановати ва геология вазирлиги, Олмалик кон-металлургия комбинати ҳамда Туркиянинг "Esan Esczabasi" компанияси ўртасида мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича уч томонлама шартнома тuzилди. Шартномага кўра, қонда разведка ишларини олиб бориш, рудани қазиб олиш ва қайта ишлаш каби вазифалар амалга оширилди. Бунинг учун 200 миллион доллар микдорида маблағ ажратилиши, камиде 600 киши иш билан таъминланиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда жаҳон бозоридега 1 тонна кўрғошин нархи 28 доллар, рунинг 1 тоннаси эса — 2 минг 810 доллардан зиёд туради. Кўрғошиндан

дан ҳимоя қилиш учун ҳам электр кабеллар кўрғошин билан қопланади.

Рух асосидаги қотишмалар автомобиль салонининг ички қисмини беэах учун, эшик тутқичлари, купфлар, нометалл ва корпусларни ишлаб чиқаришда ишлатилади. Рух оксиди автомобиль шиналарига қўйилади ва ба кучук сифатини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилади.

— Қондан очик усулда 500 минг тонна ярим тайёр руда қазиб олинди, лойиҳа доирасида яқин келажакда йилга 500 минг тонна маъдани қайта ишлашга мўлжалланган замонавий бойитиш фабрикаси қурилади, — дейди "Учқулоч" кони раҳбари Азиз Беркинов. — Фабрикада йилга 5 минг 400 тонна рух ҳамда 18 минг 400 тонна кўрғошин концентратини олинади.

"Олмалик КМК" АЖ бошқаруви раисининг иқтисодийет, молия ва трансформация бўйича ўринбосари Феруза Ҳамидованинг маълум қилишича, мис ва рух ишлаб чиқаришдан ҳосил бўладиган ташланма эритмалардан қўшимча ноёб металллар ажратиш олиш бўйича илмий изланишлар натижасини амалиётга жорий қилиш ҳам режалаштирилган. 2023 йилда рух заводи жамоаси томонидан 92 минг тонна рух метали, 105,6 минг тонна сульфат кислотаси, 470 тонна кадий метали ишлаб чиқариш назарда тутилган.

Мис асосида рангли металлларни қайта ишлаш ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича "Deutsche Innovation Technology" — AGMK" қўшма корхонаси ташкил этилди. Қўшма корхонада умумий қиймати 32 миллион доллар бўлган 7 лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар қиймати 3 миллион долларлик 1 та лойиҳа ишга туширилди ва 25 та янги иш ўрни ташкил этилиб, 37,8 миллиард сўм қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Илмий ишланмалар асосида янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш бўйича умумий қиймати 90,5 миллион доллар бўлган 15 та лойиҳа



асосан аккумулятор батареялари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Шунингдек, бу маҳсулот радиоактив нуруларни ютиш сабаби ундан радиоактив моддалар сақланадиган идишлар, рентген хоналари учун қурилмалар тайёрланади. Бундан ташқари, зангладан ва механик таъсир-

амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар 4 та лойиҳа бўйича маҳсулотларни (емирилишга бардошли қопламалар асосида қаттиқ қотишмалар, кобальт оксиди, юқори тозаликдаги индий ва молибден) ишлаб чиқариш технологиялари ўзлаштирилди. Илмий ишланмалар асосида

яримўтказгичлар сановати учун асосий материал ҳисобланувчи юқори соф металлларни ишлаб чиқариш босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда.

Корея Республикасининг "Nanostructured Materials Laboratory" лабораториясида емирилишга бардошли чўян, пўлат ва модификацияланган марганецли пўлат намуналари ишлаб чиқилиб, синовдан муваффақиятли ўтказилди. Янги қотишмаларнинг механик хусусиятлари бошқаларига нисбатан 70 фойдгача оширилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Рух заводида икки хил усулда индий металлани ажратиш олиш тажрибаси ижобий натижа берди. Эндиликда унинг сановат даражасида ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш чоралари қўриляпти. Юқори софликдаги теллур, селен ва рух ишлаб чиқариш бўйича лаборатория ишлари ҳам яқунлашиб, водород муҳитида қиздириш ҳамда дистилляция усулида 99,995 фоизли соф намуналар олинди.

Бу каби лойиҳаларнинг миллий сановатимиз ривожига ва экспорт салоҳиятини оширишга доир яна кўплаб маълумотларини келтириш мумкин. Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, беихтиёр АҚШнинг Калифорния штати Сан-Франциско шахридан унча узоқ бўлмаган "Силикон водийси" (ёхуд "Кремний водийси") номи билан машҳур ҳудуд ёдга келади.

Калифорния иқтисодийетини ўрганиш маркази экспертлари берган маълумотларга кўра, айни пайтда бу ерда дунёнинг юқори технологиялар соҳасида фаолият юритадиган энг йирик 20 та компанияси, минглаб турли фирма ва ташкилотлар жойлашган. Бир пайтлар қишлоқ хўжалигига мослаштирилган мазкур ҳудуд Сан-Франциско кўрғазидан то Сан-Диего шахригача бўлган 40 километр масофага чўзилган. Водийнинг юраги эса Пало-Алтодаги Стенфорд илмий тадқиқотлар университетини ҳисобланади. Унда 1940 йилларданко электроника соҳасида кўпгаб изланишлар олиб борилганди. Электрон ҳисоблаш машиналарининг дастлабки йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳам айнан шу ерда IBM компанияси томонидан 1956 йилда қурилган. Бир сўз билан айтганда, Силикон водийси юқори технология ишлаб чиқариш (жумладан, радиоэлектроника ва космик кемалар яратиш соҳалари) ҳамда юксак даражадаги ҳаёт тарзининг уйғунлашувини ифода этувчи тушунчадир.

Ҳар бир ўшатиш кўп жиҳатдан мос келавермаслиги мумкин. Олмаликчи ҳозирча Калифорния билан солиштириб бўлмас. Лекин бир умумийлик кўзга ташланади: юксак салоҳият ва технологиялар ўз самарасини берапти. Режалар эса ўта маҳобатли ва улкан.

"Олмалик КМК" АЖ бошқаруви раиси Абдулла Хурсановнинг қайд этишича, 2026 йилга бориб, мис сановати кластерини ташкил этиш орқали мис ва ундан бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 3 мартага кўпайтириш режалаштирилган. Ўзбекистоннинг ушбу соҳадан олган даромади айни пайтда 2,8 миллиард долларни ташкил этади. 2026 йилга бориб, мис ишлаб чиқариш 400 минг тоннагача оширилиб, даромад турдош тармоқларни ҳисобига олган ҳолда 8 миллиард долларга етказилади.

Халқроқ экспертларнинг баҳолашича, 2030 йилга бориб, дунё миқёсида транспорт воситаларини, маиший техника ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши туфайли мисга бўлган талаб 40 фойдгача ошади. Бу мамлакатимиз мис сановатининг истиқболни янада порлоқ эканини намоян этилади.

Айни кунда Олмалик кон-металлургия комбинатида "Ёшлик-1" конини ўзлаштириш ишлари жадал олиб бориляпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳаларнинг умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг. 3- кейинчалик 4- ва 5-мис бойитиш фабрикаларини, шунингдек, янги металлургия мажмуасини барпо этиш унинг узвий давоми ҳисобланади.

Мазкур мегалойиҳаларни амалга оширишда металлургия ва нодир металлларни қайта ишлаш соҳасида дунёда катта нуфузга эга бўлган компаниялар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг инвестициялари ва технологияларини жорий этиш муҳим ўрин тутаяди.

Мазкур қайтадиган бўлсақ, таҳлиллар "Олмалик КМК" АЖда техноген чикиндилардан нодир маҳсулотлар ишлаб чиқариш қамрови ва экспорт тобора кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. Мазкур комбинат раҳбарияти, олим ва мутахассисларнинг юқори илмий салоҳияти, юксак технологияларни жорий этишга қаратилган инновацион ёндашувлари дунёда ҳозирча муқобили бўлмаган ноёб металл "водийсининг янада барқ уришига замин яратмоқда."

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz\_official

yuz.uz\_news

ЯНГИ ТИЗИМ — АМАЛДА

Бир йигитни ўқитсанг бир инсонга, бир аёлни ўқитсанг, бутун миллатга таълим берган бўласан, деган ҳикмат бор. Бунинг замирида хотин-қизларнинг таълим олиши келажақ учун қанчалик муҳимлиги ётади. Ана шундай эзгу мақсадлар билан 2022 йилдан эътиборан олий таълим муассасаси магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва тахсил олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт суммасини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низоом кучга кирган эди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРГАН ИМКОНИАТ

ОРЗУМ УШАЛИШИ КАМИДА 5 ЙИЛГА ТЕЗЛАШДИ

Мафтуна УМАРАЛИЕВА, Наманган давлат педагогика институтини таълим-тарбия назарияси ва методикаси йўналиши магистранти:

— Бакалаврни тамомлаш арафасида турмушга чиқдим. Шунга қарамай, магистратурага ҳам кириш мақсади бор эди. Лекин турмуш ўртоғим ҳам талабалигини ҳисобга олиб, ҳозирча бу ниятим ушалмас керак, деб ўйлаганман. Очиги, ўз мақсадимни камида 5



йилга кечиктириб туриш ҳақида қарор қилиб бўлгандим. Яъни турмуш ўртоғим ўқишни тамомлаб, ишлаш бошлаганидан кейин ўқийман, деган фикрга келгандим. Бироқ давлатимиз томонидан хотин-қизларга магистратурада белуш ўқиш имкони берилиши орзумни 5 йилга тезлаштириб юборди. Уша пайтдаги қувончимни сўз билан таърифлаб бериш қийин. Аслида, ҳар бир қиз яхши ўқиб, ўз севган касбига эга бўлишни орзу қилади. Давлатимизнинг бу каби қўллаб-қувватлашидан кейин эса бу орзулар амалга оша бошлади.

Яқинда фарзандли бўлдим. Минг шүкрки, оиламнинг кўмаги билан ўқишимни ҳам қўйналмасдан давом эттирялман. Уйлаб қоламан, аёл киши учун атрофидаги муҳитнинг қўллаб-қувватлашидан ҳам кўра яхшироқ бахт бормикан?!



МАГИСТРАТУРАДА ЎҚИШДАН УМИДИМНИ УЗГАНДИМ

Азиза ЗАРИПОВА, Ўзбекистон Миллий университети инглиз тили лингвистикаси йўналиши магистранти:



— Магистратурада ўқишдан умидимни узиб бўлгандим. Чунки ёш оиламиз, мендан ташқари ҳам контрактда ўқийдиганлар бор. Турмуш ўртоғим ҳозирда Тошкент тиббиёт академияси магистранти. Табиийки, бир оилда икки кишининг магистратурада ўқиш учун шартнома пулини тўлаш оғирлик қилади. Аммо, магистратурада ўқиш истаги бўлган хотин-қизларга шартнома пули давлат томонидан тўлаб берилиши йўлга қўйилгани юртимизда шу ниятдаги барча хотин-қизлар каби мени ҳам жуда қувонтириб юборди. Ёш оила сифатида биз бу имкониятни эъзу хурсандчилик билан қабул қилдик. Мен билан бирга таълим олаётганларнинг кўпчилиги шу

БОЛАЛИКДАН НИЯТ ҚИЛАР ЭДИК

Шодиёна БЕКНАЗАРОВА, Қарши давлат университети ўзбек филологияси йўналиши магистранти:



— Болалиқдан бирга улғайган Нигора исмли дугонам бор. Бир маҳаллада яшаб, мактабда бир синфда ўқидик. Бирга дарс тайёрлардик, мусобақаю тадбирларга ҳам бирга қатнашардик. Мактабни намунали тамомладик. Коллежда ўқиб, университетга тайёрлардик кўрдик. Уша пайтлардаёқ университетда ўқиб, илмий ишчимизни ҳам биргалиқда бошлаймиз, деб ният қилганмиз.

Ниятимиз холис экан, университетга бир йўналишга кириш насиб этди. Тўртинчи курсга келиб, Нигора ҳам, мен ҳам турмушга чиқдик. Шундан кейин магистратурада ўқишимни давом эттириш борасида иккиланган бўлдим. Дугонам ўзига тўқроқ, имконияти етарли оилага келин бўлди. Менинг эса турмуш ўртоғим ҳали талаба эди. Шу вазиятда озорқ сабр қилишга қарор қилдим. Лекин болалиқдан бирга улғайган ўртоғим билан йўлимиз айрилиши менга оғир ботди. Тан оламан, баъзида алам ҳам қилган.

Ана шундай кунларнинг бирида кўнглимни бутунлай ёриштириб юборган қарорни эшитдим. Уша кундаги қувончимни билсангиз эди. Хурсандлиқдан қўшқайтиб, рақсга тушиб юборганимни билмай қолдиман. Нигора ҳам бундан хурсанд бўлди.

Бугун иккалаимиз ҳам магистратурада ўқиялмиз. Худо хоҳласа, докторлик илмий ишчимизни ҳам биргалиқда ҳимоя қиламиз.

Жонибек АЛИЖОНОВ, журналист

ЁШЛАР ОЙЛИГИ

ШИЖОАТЛИ ЁШ ТАДБИРКОРЛАР

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИ ЮКСАК ПОҒОНАГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ойлик ёшларни юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик, Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, давлат ва жаҳият ҳаётининг турли соҳаларида катта ютуқларга эришган ва бугунги кунда ёшларга намуна бўлаётган замонамиз қаҳрамонлари билан учрашувлар,

Марафон спикерларидан бири, тадбиркор Ҳасан Мамасаидовнинг қайд этишича, аслида, муваффақият тажрибанинг, тажриба эса хатоларнинг натижаси. Ёшларни тажрибали тадбиркорлар йўл қўйган хатоларни такрорламасдан, қийинчиликларга дуч келмасдан, ўз олдига қўйган марраларига етишишига кўмаклашиш энг катта мақсадлардан биридир. Марафон каби



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

китобхонлик, шеърят ва наср кечалари, мушоиралар ўқитиш орқали ёш ижодкорларни кашф этишга қаратилган.

Ўз навбатида, “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ҳам ойлик доирасида бир қанча лойиҳаларга старт берди. Улар орқали ҳозирга қадар беш мингга яқин ёшлар қамраб олинди. Ойлик доирасида ўтказилган учрашув ҳамда суҳбатларда йигит-қизларнинг мурожаатлари тингланди.

“Бизнес марафон” — ёшлар учун билимлар манбаи

“Ёшлар ойлиги” доирасида ўтказилиши аънанавий тусга кирган “Бизнес марафон”нинг ўртинчи мавсумига старт берилди. Қўллаб ёшларнинг талаб ва истақлари асосида таълим этилаётган марафон келажагини ўз қўли билан яратиш ниятида бўлган ёшлар учун айни муддао бўлмоқда.

Бинобарин, республикамизда фаолият кўрсатаётган энг илгор тадбиркорлар иштирокидаги ушбу марафон ўзаро тажриба алмашиш, бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига замонавий технологиялар, инновацион ишланма-

тадбирлар эса жаҳиятнинг, мамлакатнинг, иқтисодиётнинг янги поғонага чиқишига замин яратади.

“Агрохакатон” иқтидорли ёшларни бирлаштиради

Жамғарма фаолияти ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан ташқари, ўз бизнесига эга ва эндиликда дунё бозорларини заёб этишга ҳаракат қилаётган ёш тадбиркорлар учун ҳам турли имкониятларни тақдим этади. Ана шундай тадбирлардан бири 9-12 июнь кунлари Қирғизистонда бўлиб ўтди. “Агрохакатон” тадбирида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида жамғарма бошчилигидаги ёш тадбиркорлардан иборат Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Самарали ҳамда мазмуни ўтган тадбир доирасида лойиҳа амалга оширилаётган ҳудудлардаги ёш тадбиркорлар АКТ мутахассислари билан бирга ишлади, ўз бизнеслари учун инноватив ечимлар ишлаб чиқди. “Агрохакатон” ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари қизиқишини ошириш, иқтидорлиларини аниқлаш ҳамда қиш-

“Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ҳам ойлик доирасида бир қанча лойиҳаларга старт берди. Улар орқали ҳозирга қадар беш мингга яқин ёшлар қамраб олинди. Ойлик доирасида ўтказилган учрашув ҳамда суҳбатларда йигит-қизларнинг мурожаатлари тингланди.

ҲАМКОРЛИК

ИЛМСЕВАР АВЛОД УЧУН ҚУЛАЙ МАЙДОН

Шу кунларда Россия Федерацияси Қозон федерал университети ва Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномаси асосида Нукус тумани ҳудудидаги “Ҳайвонқалъа” ёдгорлик мажмуасида халқаро археологик экспедиция ишлари ўтказилмоқда. Бу нимаси билан муҳим? Аввало, экспедиция давомида топилган маданий буюм ва қатламлар бўйича халқаро илмий фикрлар шакллантирилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

— Қолаверса, ёшларга археологик қазилар қандай олиб борилишини амалий тушунириш, топилган буюмлар қайси даврга тегишли эканини аниқлаш, қиска қилиб айтганда, археолог олимга зарур бўлган барча қўниқма ва тушунчага эга бўлиш учун катта имконият беради, — дейди Нукус давлат педагогика институтини ректори Байрамбай Утемуратов. — Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қўллаб қадимий шаҳарлар ўрни бор. Фақат биз уларни кўпроқ ўрганишимиз зарур. Бу бир томондан, сайёҳликни ривожлантириш учун керак бўлса, иккинчидан, талабаларимизни илм йўлига ундайди. Халқаро микёсда биринчи марта ташкил этилаётган мазкур археологик

экспедицияда Татаристон Республикаси Археология институтини олимлари, шу билан бирга, Россия, Қозғистон олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказларидан 20 дан ортиқ мутахассис, Нукус давлат педагогика институтининг тарих факультети профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба ёшлари иштирок этмоқда.

Археологик қазилар натижасида турар жойлар, уша даврдаги савдо-иқтисодиёт алоқаларидан дарак берувчи мис ва қумуш тангалар, шиша идишлар парчалари, геометрик шаклдаги нақшлар туширилган керамика сопол идишлар парчалари ҳам топилди.

ташкил этилмоқда, — дейди Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини тарих факультети декани Маман Сариев. — Моддий-техник томондан ёрдам кўрсатилган. Зарур асбоб-ускуналар сотиб олинган. Хусусан, экспедицияни ташкил этиш учун институт томонидан 1 миллиард 400 миллион сўмга махсус ҳодирлар ҳамда 4 миллиард сўмга қазилма ишларида фойдаланиладиган археологик асбоб-ускуналар сотиб олинган.

Қазилма ишларида талаба ёшларимиз чет эллик олимларнинг аудиторияда ўтган дарсларини амалиётда синаб кўрмоқда. Бу келажақда уларнинг етуқ мутахассис бўлишида жуда катта ёрдам беради. Шунингдек, айрим 3-4-босқич талабаларимиз археология, антропология, этнография йўналишлари бўйича магистратура таълимларида ҳамкор олий таълим муассасаларида олиши мумкин. Бу борада келишувлар мавжуд, шартномалар имзоланган.

Қайд этганимиздек, экспедициядан қўзланган мақсад аниқ. Тўпланган материаллар асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Уларнинг натижалари кенг жамоатчиликка етказилади. Халқаро микёсда эълон қилинади. Изланиш ва натижалар эса талабаларга илм йўлида катта майдон яратади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

лук ҳўжалиги соҳаси самарадорлигини янада яхшилашга хизмат қилувчи энг истиқболли ғоя ва стартапларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилади. У янада барқарор озиқ-овқат тизимини яратиш ҳамда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бўйича инновацион ғоялар билан чиққан ёшлар жамоаларини узида бирлаштиради.

— “Агрохакатон” иқтидорли йигит-қизлар ўртасида очиқ мулоқот ва фикр алмашиш учун қулай майдон ҳамдир. — дея баҳолайди жамғарманинг ижрочи директори.

Билим ва тажриба платформаси

Жамғарма ёшлар ойлиги доирасида фақат ушбу тадбирлар билан чекланиб қолгани йўқ. Бизнесга қизиқадиган ёшларни бир жамоага жамлаш ҳамда уларга бизнес кўниқма-лар, тадбиркорларга бериладиган имтиёзлар, солиқ, банк соҳаси бўйича билимлар бериш ҳамда таниқли бизнес эгалари билан тренинглар ташкиллаштириш ва озма-юз суҳбатлаш имкониятини яратиш мақсад қилиб олинган “DO BUSINESS” лойиҳасига старт берилди.

Лойиҳа доирасида ташкил этилувчи ўқув курслари мутлақо белуш бўлиб, муваффақиятли тамомланган ўқувчилар махсус сертификат билан тақдирланиши режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтиши керакки, ёшлар учун улар билан бирга ишлаш орқали ислохотлар самарадорлигини янада ошириш мумкин бўлади. Фаол жабл этилган ёшлар муҳим амалий кўниқмаларини шакллантиради, қатъий ҳаётий қарашларга эга бўлиб, мамлакатни тараққиётга элтувчи кучга айланади.

Нодира ҚУРБОНБОЕВА, журналист

